



BELARUSSIA

## INNOVATIVE RESEARCH IN SCIENCE

International scientific-online conference



BELARUSSIA

# АЛИШЕР НАВОЙИ ФАЗАЛИЁТИДА РУҲ ВА НАФС ТАЛҚИНИ

Иботова Мадина

Бухоро давлат педагогика институти ўқитувчisi

ibotovamadina@buxdpi.uz

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10495041>

Руҳ ва нафс тушунчалар турли фанлар доирасида ўрганилади. Бу икки тушунча инсон мавжудлигининг асоси саналади. Руҳ ва нафсдан ташқарида инсон вужудини тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун Шарқ фалсафасидада бу икки тушунчага кўп диққат қилинган. Тасаввуф фалсафасида “руҳ” ва “нафс” тушунчаси бир маънода қўлланган.

Жумладан, “хужжат ул-ислом” унвонига сазовор бўлган Имом Абу Ҳомид ал-Ғаззолий ўзининг “Кимёи саодат” асарида инсонда икки хил руҳ мавжудлигини таъкидлайди. Булар:

1.Ҳайвоний руҳ,

2.Инсоний руҳ.

Олимнинг фикрича, ҳайвоний руҳ ҳайвонот ва инсонларда бир хилда шаклланган. Яъни бу руҳ барча сезги аъзолар билан боғлиқ. Инсонда ҳам, ҳайвонда кўриш, эшитиш, таъм билиш, ҳид билиш бир хил шаклланган бўлиб, ҳайвоний руҳ мана шу таъсирларга жавобан ҳаракатланади. Шунинг учун Ғаззолий бундай руҳни чироққа қиёслайди. Чироқ - тана бўлса, унинг озиғи - ёқилғи, ҳосил бўлган олов эса руҳи ҳайвонийдир деб таърифлайди. Ғаззолий ёқилғи деганда беш сезги орқали ҳис қилинган .....назарда тутади. Кўриниб турибдики, ҳайвоний руҳ бутун жонли яратиқларнинг асоси. Ҳайвоний руҳ еб-ичиш каби моддий эҳтиёжлар билан боғлиқ. Демак, нафс - ҳайвоний руҳнинг маҳсули.

Инсоний руҳ фақатгина инсонгагина тегишли. Бу руҳ боқийдир. Шунинг учун ҳам Ғаззолий инсоний руҳни “чироқнинг нури”га қиёслайди. Бундай руҳ ҳайвонларга хос эмас. Бундай руҳ покланиш, юклашиб сифатларига эга.

Руҳ ва нафс тушунчалари мумтоз адабиётда кенг қўлланилади. Бу тушунчалар баъзан бир маънода тушунилса, баъзан бир -бираидан фарқланади.

Ислом дининг асоси бўлган Куръони каримнинг бир неча сураларида руҳ билан боғлиқ фикрлар мавжуд. Руҳ Аллоҳнинг сирли илмларидан бўлиб, у инсон танасига Ўзи томонидан “пуфланади.” “Эсланг, Парвардигорингиз фаришталарга деган эди: “Албатта мен лойдан бир одам Яратгувчидирман. Бас, қачон уни тиклаб, унга Ўз руҳимдан пуфлаб киргизганимдан сўнг унга сажда қилган ҳолларингизда йиқилинглар!” (Сод сураси, 71-72-оятлар).



BELARUSSIA

# INNOVATIVE RESEARCH IN SCIENCE

## International scientific-online conference



BELARUSSIA

Мутасаввуфлар Аллоҳ томонидан “пуфланган” нарса жон эмас, балки унинг вужудига жойланган ақл, ирода – рух эканлигини таъкидлайдилар.

Таъкидлаш керакки, рух Аллоҳнинг сири. Шунинг учун рух билан боғлиқ билимлар инсон учун чегараланган. Бу ҳақида Қуръони каримда ҳам башорат қилинган: «(Эй Мұхаммад алайҳиссалом), сиздан рух-жон ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Рух ёлғиз Парвардигорим биладиган ишлардандир». Сизларга жуда оз илм берилгандир» (Ал-Исрө сураси, 85-оят).

Рух ва нафс тушунчаларининг этмологик изоҳига эътибор қаратсак, уларнинг маъноларида бир – бирига яқинлилик кузатилади. Рух - арвоҳ, хотира; табиат, мижоз, аҳвол; жон, нафас. **“Нафс”** арабча сўз бўлиб, жон, рух, инсон табиати, бирор нарсанинг асли, зоти, жавҳари, шахс, ўз, ўзлик, мақсад, интилиш, ғурур, мағрурлик каби кўплаб маъноларда қўлланилади.<sup>1</sup> Тасаввушнос А. Абдуллаевнинг манбалар асосида нафс тушунчасига берилган таснифларни ўрганиб, уни “Нафс-рух, жон; бало, душман, дев, илон, кофир, заарга етакловчи барча нарсалар” маъноларда қўланганлигини таъкидлайди.<sup>2</sup> Изоҳлардан қўриниб турибдики, “руҳ” “нафс” тушунчаларининг маънолари бир-бири яқин бўлганлиги сабабли улар параллел қўлланган.

Рух ва нафснинг бир-биридан фарқли маънони ифодалаши ҳақида Мұхаммад Анвар Бадаҳшоний “Талхийсу шарҳи ақидатит Таҳовия” асарида қуйидагиларни ёзган: “Таҳқиқ шуки, рух ва нафс зот жиҳатидан бир бўлса ҳам, эътибор жиҳатидан фарқлидир. Чунки идрок қилувчи нарсага бадандан ажраган пайтда рух дейилади. Баданда турган пайтда эса нафс дейилади. Рух ва нафс ўртасидаги асосий фарқ шудир. Гоҳида бири иккинчисининг ўрнига ҳам ишлатилади”.<sup>3</sup>

Руҳнинг камолоти нафснинг ҳолати билан белгиланади. Нафс – ўзлик, инсон мавжудлик асоси. Агар нафс юкса, рух ҳам юксалади, нафс тубанлашса рух ҳам шундай қиёфага киради. Имом Ғаззолий “Кимиёи саодат” асарида бу ҳақда шундай ёзади: “Ўзингни танимок, билмоқ истасанг, икки нарсадан яратилганлигини билгин. Бири зоҳирий қолип. Бу бадан дейилади. Кўз билан кўрса бўлади. Бошқаси ботин маъносидадир.

<sup>1</sup> Фарҳанги забони тоҷики. Жилди 1. С. 839; Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати. 2-жилд. 439-бет.

<sup>2</sup> Абдуллаева А. Тасаввуф ва унинг намояндалари. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. Т.: 2009.202-б.

<sup>3</sup> <https://oliymahad.uz/11174>





BELARUSSIA

# INNOVATIVE RESEARCH IN SCIENCE

## International scientific-online conference



BELARUSSIA

Унга нафс ва жон дерлар, рух дерлар, қалб дерлар. Бу фақат ҳақиқат кўзи билан кўрилади. Зоҳирий кўз билан кўрилмайди”<sup>4</sup>

Улуғ шоир Алишер Навоий шеъриятида ҳам рух ва нафс тушунчалари ўзга хос талқин қилингани кўришимиз мумкин. Руҳнинг нафс ғулғуларидан омон қолишнинг турли йўлари қўрсатиб берилганлиги унинг сўфий шоир сифатида масалага ёнашганлигидан дарак беради. Жумладан, қуйидаги байтда руҳнинг камолотига тўскин бўлган нафсни енгишнинг асосий йўли “тақво сипоҳи” билан унга кўмак беришдир, дейди.

Чу рух хайлиға нафс истар ўлса ортуғлук,

Етур иложиға тақво сипоҳи бирла кўмак

Тақво нима? Мазкур сўзнинг луғавий маъноси “сақланиш”, “тийилмоқ” дегани маънони англатади. Демак, тақво - Аллоҳ буюрган йўлдан юриш, шариат амалларини тўлиқ бажариш. Алишер Навоий байтда руҳнинг камолоти инсон қилган амалларга боғлиқ эканлигини таъкидлайди. Тақводор рух - яхшилик ва эзгулик тимсоли. У Аллоҳ буйруқларини бажаришда итоаткор, Расули манъ қилган ҳамром йўллардан ҳазар қиласи.

Руҳунгга сиҳҳат ўлса малойик ўлур сипоҳ,

Нафсингга қувват ўлса, шаётин бўлур табаъ.

“Инсонда рух ва нафс бордир. Руҳнинг озуқаси шариатга мувофиқ бўлган барча амаллар бўлиб, кимки бирон шаръий амални қилса рух қувватланади. Нафснинг истаги эса шариатнинг хилофи бўлган нарсалар бўлиб, ўша амал сабаб нафси аммора қувватланади” деб ёзилади Имом Раббонийнинг “Мактубот” асарида<sup>5</sup>. Ҳазрат Навоий байтида ҳам рух ва нафс тушунчалари параллел кўлланган. Сиҳат бўлган руҳга малойик – фаришталар сипоҳ бўлади. Агар нафс “қувватланган” бўлса, у шайтонга тегишли бўлади, дейди шоир. Демак, бу икки тушунча ўртасида зидлик мавжуд. Нафснинг қувватланиши руҳнинг қувватсизлигига олиб келади. Алишер Навоий биргина байтда тасаввуф ва фалсафанинг асосий муаммоси бўлган рух ва нафс тушунчаларини ўзига хос талқин қилган.

Улуғ шоирнинг нафс ва рух масалари бутун бир ғазал доираси ҳам ўзига хос талқин қилингани кузатилади. Жумладан, “Фавойид ул-кибар” девонидаги қуйидаги ғазал фикримизни мисол бўла олади:

Гар фано расмини қилмоқ тилар эрсанг мазбут,

Нафс ила руҳни зинҳорки қилма маҳлут.

<sup>4</sup> Фазолий Мухаммад. Кимёи саодат. –Т.: “Камалак”. 1995

<sup>5</sup> <http://old.muslim.uz/index.php/ar/maqolalar/item/1250>





BELARUSSIA

## INNOVATIVE RESEARCH IN SCIENCE

### International scientific-online conference



BELARUSSIA

Фано - ўзлиқдан, яъни моддий нарсалардан бутқул узилиб, рухиятга боғланиш. У – тариқатнинг ниҳояси, натижаси<sup>6</sup>, “мазбут” – мустаҳкам, мустаҳкамланган”, “махлут”- аралаш, омухта” маъноларидағи сўз. Мазкур байтда нафс ва рух ўртасидаги тафоввут борлиги таъкидланган. Яъни фано мақомини эгалламоқчи бўлсанг, нафс ва рухни бир-бири билан омухта қилма, аралаштирма, дейди шоир. Бу ўринда нафс рухни мақсаддан чалғитувчи восита эканлиги таъкидланади.

Маълумки, инсон яратилиши жиҳатидан яратиқлар ичидаги мураккаб хилқат. Ана шу мураккаблик авволо унда ҳам башарий, ҳам илоҳий сифатларнинг тажассум топганлигига кўринади. Инсон вужудида тўрт унсурнинг мавжудлигининг ўзиёқ унда бир-бирига қарама – қарши кучлар мавжудлигини асослайди. Шунинг учун у ўз рухини тафтиш қилинмаса, вужуд нафс қурбонига айланади.

Рух ул нурдуурким, ҳақ анга бермиш авж,

Нафс зулматқа қолиб, қилмиш анга поя ҳубут

Рухнинг нурдан яралганилиги билан боғлиқ маълумотлар диний-ирофоний манбаларда қайд қилинган. Жумладан, “Эй Мұхаммад, сендан рухнинг ҳақиқати ва қайфияти ҳақида сўрайдилар. Сен уларга жавоб бергилки, “Рух Парвардигорнинг махлуқлари (яратиқлари)дан бир махлук (яратиқ)дир. Унинг ҳақиқатини Худодан бошқа зот билмайди” (Исрө: 85-оят). Худди шундай ғояни биз “Ҳайрат ул-аброр” достонидаги қўйидаги парчада ҳам кўришимиз мумкин:

Жисм уйининг тарҳини солғучи ул,

Рух анга бергучио олғучи ул.

Кўриниб турибдики, улуғ шоир ҳам рух ҳақидаги илоҳий китоблардаги қарашларни бадиий талқин қилган. Рух ва нафс инсон вужудидаги қарама-қаршиликнинг асосидир. Рух нурдан иборат. Бу ҳақда Нажмиддин Кубро шундай ёзади: “Кудсий рух латиф ва самовийдир. У ҳиммат қуввати или тўлиб-тошгани замон рух самога битишур ва само унга ғарқ бўлар. Аслида, рух билан само айни бир нарса. Бу рух бетиним парвоз этар, юксалар, қувватланар, тарбияланар ва мукаммаллашар, самонинг шарафидан ҳам кўп устун бир шарафга эришмоқ учун ушбу ҳол давом этар. Ниҳоят, само чўққисини ишғол этар”.<sup>7</sup>

Байтнинг дастлабки мисрасида шоир “Рух ул нурдуурким, Ҳақ анга бермиш авж” дейиш билан рухнинг нурдан яралганилиги билан боғлиқ қарашларни тасдиқлайди. Иккинчи мисрада нафсни зулмат оламининг

<sup>6</sup> Очилов Э. Бир ховуч дур.

<sup>7</sup> Нажмиддин кубро. Тасаввуфий хаёт. –Т.: Мувороуннахр. 2004.





BELARUSSIA

## INNOVATIVE RESEARCH IN SCIENCE International scientific-online conference



BELARUSSIA

рамзи сифатида талқин қилади. Рух нурдан яралғанлиги учун юксалса, нафс зулмат оламига пойдевор (поя) бўлғанлигини учун тубанлашади.

Рух раҳмони эрур, нафс эрур шайтони,

Иккисин бир-бирига қўшмақ эмастур машрут.

Мумтоз адабиётнинг ўзак масаласи комил инсон саналади. Шунинг учун ҳам ижодкорлар комиллилик сифатларига муносабат билдирганларида нафс ва рух тушунчасига алоҳида диққат қилади. Демак, Алишер Навоий ҳам “Калимуллоҳ иши”ни яъни йўлидан юрувчи нафсни (рух)ни улуғласа, ҳайвоний нафс “фиръавнлиқ асбоби”га тегишли (марбут) эканлигини таъкидлайди. Ғазалнинг бешинчи байтида ҳам шу фикр давом эттирилад.

Рухға дааъб Ҳабибулло иши ойини,

Нафс Бужаҳллиқ асбобини айлаб мабсут.

Шоир байтда рухга Ҳабибуллоҳ яъни Оллоҳнинг дўсти - Муҳаммад (с.а.в)нинг ишни қилиш одат саналган бўлса, нафс эса бужаҳллиқ - жаҳолат эгасининг касбини ёйишни одат қилғанлигини таъкидлайди.

Кейинги байтда ҳам Бужаҳл сўзи қўлланган. Бу сўз Абу Жаҳл сўзининг вазнга мослашган шакли бўлиши мумкин. Чунки ислом тарихида Абу Жаҳл номи билан тарихда қолган шахс “жаҳолат эгаси” сифатида манбаларда қайд қилинган. Унинг асли исми Амр ибн Ҳишом бўлиб, ислом дини тарғибида пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в)га қарши турган. Шу боси, унга “жаҳолат эгаси” деган лақаб берилган.

Ё раб, эт бизни ҳабибинг сифатиға росих,

Айла Бужаҳл тариқин ичимиздин масқут.

Кейинги байтда муножот руҳи устивор. Камолот истовчиларни Ҳабибуллоҳ сифатлари – яъни йўлларида қаттиқ турувчи (росих)лардан қилишини ҳамда руҳни Бужаҳл тариқи яъни нафсдан холи бўлишини (масқут) илтижо қилиб сўрайди.

Бутун ғазал давомида шоир рух ва нафсни тазодлантиради. Нафс рух учун банд. Қачонки, рух бу банддан қутилса, асл мақсадга эришади. Мақсадга эришган рух эса шавқ ва завққа эришади. Бундай рух латиф ва гўзал саналади. Аллоҳ Ўз нафасидан уфурган рух нафсоний истакларга бўйин бермайди. Бундай рух ҳукмрон бўлган қалб шавқ ва маърифат масканига айланади. Бу ҳақдаги фалсафий қарашларни улуғ шоирнинг қўйидаги байтида ҳам ўқиймиз:

Шавқ тийғи бирла солик айласа кўнгилни чок,  
Файз шаҳристони сайрига топар дарвоза рух.



BELARUSSIA

## INNOVATIVE RESEARCH IN SCIENCE International scientific-online conference



BELARUSSIA

Шавқ – висол завқидан баҳра олиш. Солик маҳбуб (Аллоҳ) жамолиги етишни истаб, кўнгилини чок қилса, яън руҳий камолот босқичига кўтарилса, бундай руҳи “файз шахристони”ни сайд қилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Алишер Навоий ғазалиётида инсон камолотига доир қарашлар турли мавзу ва образлар доирасида кенг таҳдил қилинади. Улуғ шоир руҳ ва нафс тазоди орқали инсониятни нафс ғулғуларидан қутилиш йўлларни кўрсатган бўлса, руҳ камолоти учун керакли тавсияларини ҳам бадиият либосида талқин қиласи.

### Адабиётлар:

1. Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. XX жилдлик. I жилд. Бадоев ул-бидоя. –Т.: Фан, 1987.
2. Иботова М. Карими хилқат ичинда макорими ахлоқ...БухДУ илмий ахбороти. 2023.10-сон. 236-238-бетлар.
3. Иботова М. “Халқ оғзаки ижоди намуналарида жон ва руҳ талқини.Ўзбек филологиясининг долзарб масалалари ва уни ўқитиш методикаси муаммолари” мавзусидаги 2-анъанавийилмий –амалий анжуман метериали. 13 декабрь, 2023.85-87-б.
4. Rajabova M. ЮСУФ АМИРИЙ-МАҲОРАТЛИ ШОИР //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2023. – Т. 34. – №. 34.
5. Rajabova M. «МАРСИЯ» И «НАВХА» В ТВОРЧЕСТВЕ АЛИШЕРА НАВОИЙ //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2023. – Т. 34. – №. 34.
6. Rajabova M. NAVOIY VA OGAHIU IJODIDA MIFOLOGIK OBRAZLAR TASVIRIDAGI MUSHTARAKLIKLER //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 6. – №. 6.
7. Rajabova M. ЮСУФ АМИРИЙ-МАҲОРАТЛИ ШОИР //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2023. – Т. 34. – №. 34.
8. Гафурова Д. Х., Курбанова М. Ф. ФОРМИРОВАНИЕ БЕГЛОЙ РЕЧИ У ДОШКОЛЬНИКОВ ПУТЁМ ЧТЕНИЯ ХУДОЖЕСТВЕННЫХ ПРОИЗВЕДЕНИЙ //Проблемы науки. – 2021. – С. 81.
9. Қодирова Н. Научно-литературное мышление и проблема стиля //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 8. – №. 8.
10. Қодирова Н. БАҲС-МУНОЗАРА ЖАНРИДА МУНАҚҚИД УСЛУБИ //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2020. – Т. 1. – №. 1.
11. SHE'RIYAT-RUHIYATKO 'ZGUSI. M Farmonova, PEDAGOGICAL SCIENCES AND TEACHING METHODS, 2022.
12. Рустамовна М.Г. Представление синонимов в толковых словарях узбекского языка //Среднеевропейский научный вестник. – 2020. – Т. 6. – С. 117-120.



BELARUSSIA

**INNOVATIVE RESEARCH IN SCIENCE**  
International scientific-online conference



BELARUSSIA

13. Mirxanova G. R. et al. SYNTACTIC ANALYSIS OF WORKS OF ART IN ELEMENTARY SCHOOL TEXTBOOKS: METHODS AND APPLICATIONS. – 2023.
14. Bakhronovna G. R. The Paradigmatic Relationship of the Tree as Well as Water and Fire in Folklore //Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture. – 2023. – T. 4. – №. 5. – C. 237-242.
15. Abduganievna S. R. The Role of Structural-Semantic Analysis in Literature //Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture. – 2023. – T. 4. – №. 5. – C. 250-257.